



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE

Volume: 02 Issue: 06 | June 2021

Жамиятни Виртуаллаштириш: Асосий Омиллар Ва Детерминантлар

доц.Нормаматова М. Н

СамДУ “Социология ва ижтимоий иш” кафедраси

Received 25th May 2021, Accepted 26th May 2021, Online 28th June 2021

Резюме

Ушбу мақола виртуаллик тушунчасини маъноси ёритилган. Ахборотлашган жамиятда виртуал образлар ва виртуал реаллик таъсири тўғрисида илмий маълумот берилган. Виртуаллик тушунчасининг тарихий тараққиёти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: виртуаллик, билиш, эпистемология, виртуал реаллик, виртуал образ, ахборот.

Барқарор ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай жамиятда, аввало, илғор иқтисодий механизм ва ижтимоий тузилмалар, замонавий илмий йўналишлар ва технологияларни яратишда виртуал моделлар, объектлар ва образлар катта аҳамиятга эга. Шундай экан, бугунги кунда том маънода барқарор ривожланиш йўли томон илғарилаб бораётган мамлакатимизда шу масала алоҳида, устувор муаммо сифатида баҳоланиши бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки, жаҳон цивилизацияси тизимида ўзига муносиб, салоҳиятли ўринни эгаллаш мақсадида ўтказилаётган иқтисодий, ижтимоий- сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар фан ва техникани жадал равишда ривожлантириш зарурлигини тақозо этмоқда. Фан ва техника соҳасидаги янги шаклланаётган тушунча, категорияларнинг жадал равишда ривожланиши ҳамда компьютер, интернет тизимининг шаклланиши ва уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсирининг кучайиши бевосита виртуаллик ва виртуал реаллик муаммосини таҳлил қилиш зарурлигини тақозо

этноқда. Дарҳақиқат, фан-техника жадал суръатларда илғарилаб бораётган бир пайтда компьютер технологияси, виртуал оламнинг вужудга келиши, виртуал ходисалар, ҳолатлар ва объектларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири, ахборот оқимининг кўпайиши, интернет ва компьютер оламидаги виртуал ўйинларнинг инсон онгига таъсири каби жараёнларининг турли томонларини тадқиқ этиш, уларни фалсафий рефлексия нуктаи назаридан ёритиб бериш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Зеро, жамиятимизни янгилаш, ривожлантириш учун кишиларнинг виртуал жараёнларда иштирокини таъминлаш, шу асосда виртуал образлар орқали виртуал моделларни ишлаб чиқиш ва кишиларнинг турли кераксиз виртуал тасаввурлар ҳамда образлар таъсирига тушмаслигининг олдини олиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Фан, таълим тизими ва ҳозирги замон информацион тармоқларида классик ва ноклассик тараққиёт босқичларида шаклланган фан ва технологиялар ўрнини эгаллаш олдида турган инновацион, жумладан, виртуаллик ва виртуал реаллик муаммоси ҳамда унга рефлексияли ёндашув, уларнинг концепцияси ва методологиясини республикамызда шакллантириш масаласини кун тартибига қўйилмоқда.

Тадқиқотда юқорида билдирилган фикрларга асосланган ҳолда виртуаллик муаммосига

фалсафий рефлексияли ёндашув томондан асосий эътибор қаратилди.

Фан-техника ва компьютер инқилоби, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида интернет тизимидан фойдаланиш эса ривожланаётган мамлакатларнинг постиндустриал жамият босқичига ўтиш жараёнларини жадаллаштирмоқда ва виртуаллик муаммосининг фалсафий рефлексия предметиға айланишини тақозо этмоқда.

Эпистемология билиш ва унинг шакллари, илмий рационаллик нормалари, эмпирик ва назарий билиш структураси, изланишнинг ижодий механизми ҳамда имкониятларини ўрганадиган фалсафий йўналишдир. Кўп асрлар давомида эпистемология мантиқ ва гносеология таркибида бўлиб, унинг муаммолари фалсафий рефлексия “майдонида” муҳокама қилинган.

Биз эпистемология, гносеология ва мантиқ таркибида (таркиб - қатъий структура (тузулиш) бўлмаган ҳолда) шаклланишини таъкидладик. Аммо бу ғояни инобатга олмайдиган файласуфлар ҳам бор. Хусусан, файласуф К.Поппернинг эпистемология фақат илмий билишни ўрганади, деган фикрига таянган В.А.Лекторскийнинг нуқтаи назарига, одатда, билиш назарияси (гносеология) ва эпистемология синоним атамалар ҳисобланади¹.

К.Поппернинг ғояси айрим файласуфлар томонидан қўллаб - қувватланмоқда. Жумладан, А.Ю.Бабайцевнинг фикрича, гносеология ва эпистемология ўртасида концептуал фарқ мавжуддир. Агар гносеология ўз тасаввурларини "субъект - объект" оппозицияси атрофида шакллантирса, эпистемологик ёндашув асосида "объект - билиш" оппозицияси ётади. Эпистемология гносеологиядан фарқли ўлароқ билиш тузилиши, турлари, унинг илмий-назарий ва амалий фаолиятда объективлаштирилиши механизми масалалари билан шуғулланади².

¹ Қаранг: Лекторский В.А. Теория познания (гносеология, эпистемология) // Вопросы философии. 1999. - №8. - С.72.

² Бабайцев А.Ю. Эпистемология // Новейший философский словарь. - Минск, 1999. - С.847-848.

Гносеология ва мантиқ таркибидаги эпистемологик қарашларнинг биринчи тамал тоши антик фалсафий рефлексия тизимларида қўйилган. Антик ва ўрта асрда шаклланган эпистемологик қарашларда тушунчаларнинг ҳосил бўлиши, улардаги яқкалик ва умумийлик нисбати таҳлил қилинган, билиш фаолиятида намоён бўладиган норматив талаблар мантиқан тартиблаштирилган ва умумлаштирилган, назарий билишнинг модели, бошқача қилиб айтганда, ўзига хос анатомияси ишлаб чиқилган (Платон, Аристотель, Порфирий, Пьер Абеляр, Роджер Бэкон ва бошқалар). Кейинги даврларда содир бўлган янгиланиш фан эпистемологиясининг пайдо бўлишига имконият яратди. Фан эпистемологиясининг кўп қиррали муаммоларини синхрон ва диахрон ёндашувлар асосида тадқиқ қилиш муҳим эвристик аҳамиятга эга. Синхрон тамойилга асосланганда эпистемологик қарашлар маълум давр ёки замон чегарасида таҳлил қилинади. Диахрон ёндашув тамойилларига (тарихийлик, темпорал асимметрия, тадрижийлик, эволюцион полиморфик ўзгариш ва бошқалар) таянилган тадқиқотларда маълум давр, катта тарихий босқичлар оралиғида содир бўлган эпистемологик қарашлар эволюцияси (тадрижий ривожланиши) ўрганилади. Бунда асосий эътибор билиш рефлексиясига доир парадигмал алмашинувлар моҳияти ва йўналиши, эпистемологик таълимот ёки ёндашув структураси (тузилиши), улардаги концептуал унсурлар ва қисмларнинг вужудга келиши ва ривожланиши масалаларига қаратилади.

Виртуаллик эпистемологияси постноклассик эпистемологиянинг бир шаҳобчасидир. Бу шаҳобча (эпистемологик йўналиш) эндигина шаклланиб бормоқда. Виртуалистика фанининг вужудга келиши, унинг назарий ва амалий тадқиқотлари миқёсининг тобора кенгайиб бориши бир қатор эпистемологик муаммоларни юзага келтирди. Бу муаммоларни чуқурроқ тушуниш ва талқин қилиш учун, диахрон тамойилга асосланиб, эпистемологияни ўзида содир бўлган парадигмал янгиланишларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Бунда эпистемологик

қарашлар эволюцияси (тадрижий ривожланиш) ғоявий ворислик қонунининг амал қилишини кўриш мумкин.

Ренессанс даврида Г.Галилей, Ф.Бэкон ва бошқа олимлар эпистемологияда ўзига хос коперникча интеллектуал - услубий инқилобни амалга оширдилар. Г.Галилей механиканинг қонунлари ва тамойилларини ишлаб чиқиш жараёнида мушоҳадали (хаёлий) эксперимент усулидан фойдаланди³. Ф.Бэкон эса эмпирик (экспериментал) ваназарийтадқиқотларметодологиясинияратди⁴.

Янги замон фалсафаси ва методологиясида ишлаб чиқилган ҳақиқат, эксперимент, тадқиқот усули, объективлик, мантиқийлик, ҳиссийлик, априор ва апостериор билим тушунчалари эпистемологик таълимотлар таркибига парадигмал унсур сифатида кириди. Бунда иккитаасосийбилишфаолияти модели - ақлий (рационализм) ваҳиссий (сенсуализм) эпистемологик парадигма шаклланди.

Янги замонэпистемологиясининг шаклланишиучун фан ва фалсафадамухимаҳамиятгамоликбўлганиккитапараллелназарий-услубийизланишжараёнисодирбўлди:

1. Фандатасодиқийҳодисаларнитадқиққилишгаўттиш.
2. Фалсафада билиш анъанаси кучига эга бўлган имконият ва воқелик категорияларини тадқиқ қилиш.

Фалсафий ва илмий-назарий билиш соҳасидаги қайд этилган эпистемологик янгиликлар кейинчалик виртуал объект ва жараёнлар оламида ўрганиш имкониятини берадиган ҳақиқий эвристик қадам бўлди.Шундай қилиб, фан соҳасида XVI - XVII асрларда виртуал ҳолат, объект ва жараёнларни чуқурроқ ўрганиш томон олиб борадиган тасодиқ ҳодисаларнинг микдорий муносабатлари ва эҳтимоллик

қийматларини математика аппарати ёрдамида аниқлаш йўли ва усули ишлаб чиқилди (Г.Галилей, Паскал, Гюйгенс ва бошқалар).

Эҳтимолликнинг микдорий меъёрини излаш давом этаётган бир вақтда математик Якоб Бернулли (1654 - 1705 йй.) эҳтимоллар назариясига асос солиди, ўзининг “Фараз қилиш санъати” асарида “эҳтимоллик” тушунчасидан кенг фойдаланди⁵. Лекин бу илмий инновация параллель (ёзма - ён) содир бўлган тадқиқот феномени сифатида намоён бўлди ва шунинг учун эпистемологик парадигма таркибига кирмади. Вужудга келган эпистемологик ҳолатнинг аҳамияти шундаки, субъектив виртуалликнинг кўринишлари бўлган мушоҳадали эксперимент, фараз қилиш қобилияти физик ва математик изланишлар доирасига қабул қилинди. Қайд этилган феноменлар махсус қўйилган ном билан аталмаган бўлса ҳам, лекин моҳиятан субъектив бўлган виртуалликнинг намоён бўлиш шакллари ва математик қийматларини ўрганиш бошланди. XIX асрнинг охирига келиб эпистемология гносеология таркибидан чиқиб, мустақил ва ихтисослашган метаназарий билиш соҳасига айланди. Классик фалсафанинг бағрида таълимот, қараш ёки ёндашув кўринишига эга бўлган эпистемология ноклассик фалсафада илмий билиш назарияси сифатида шаклланди, фандаги инқилобий импульсларга жавобан янги парадигмал унсурлар билан бойиб борди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // расмий нашр // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Т., 2017.

³ Қўшоқов Ш.С. Илмий тадқиқот методологияси. - Самарқанд: СамДУ, 2014. - Б. 83.

⁴Бэкон Ф. Новый Органон // Бэкон Ф Сочинения в 2 т. -М., 1978. -С.56 - 87.

⁵ Гнеденко Б.В. Из истории науки о случайном. - М.,1981 - С. 8 -38.

3. Кушоқов Ш.С. ва бошқалар Постноклассик фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари. Жамоавий монография. - Самарқанд: СамДУ, 2011. -137 б
4. Helm Michel. The MeTaphisics of virtual reality // Virtual reality, practice and promise Westport and London. 1991.-P. 27-33;
5. Hammet F. Virtual reality and the exploration of superspecial. CarmelIndianaSamsPublishingN.Y. 1993
6. Носов Н.А. Словарь виртуальных терминов // Труды лаборатории виртуалистики. Вып. 7. – М.: Путь, 2000. –С 69.
7. Бытие: коллективная монография. - Уфа, 2001. –С. 130-152;
8. Нурулин Р.А. Виртуальность как основание бытие бытия. Казань: Изд-во КГУ, 2004. – С. 336;
9. Грязнова Е.В. Виртуальная реальность: анализ смысловых элементов понятия //Философские науки. 2005. №2. -С. 125-143;
10. Корсунцев И.Г.Субъект и виртуальная реальность.М., 1998 г